

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ  
АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегиясида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва худудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Коррупцияга қарши қурашиб агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Адлия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таҳлиллар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш бўйича доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиб борсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилиснинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари:

а) ҳар йили:

1 марта қадар ўз фаолиятига оид ҳисботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 марта қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти хақида хабар беради;

1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказади;

б) 2021 йил 1 июлдан бошлаб қўйидагилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталига (кейинги ўринларда — Портал) ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб боради:

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси хужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

в) 2021 йил 1 июлдан бошлаб ўз ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргалиқда расмий веб-сайтларида қўйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чорақда янгиланиб борилишини таъминлайди:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;

давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиласиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги хужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими).

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат тест марказининг қўйидаги имтиҳонларни ўтказиш жараёнини Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига кириш учун тест ва ижодий (касбий) имтиҳонлар;

олий таълим муассасаларининг магистратура (клиник ординатура) босқичига қабул имтиҳонлари;

республикадаги ёки хориждаги олий таълим муассасасидан республикадаги давлат олий таълим муассасасига ўқишни кўчириш истагини билдирган талабалардан олинадиган имтиҳонлар;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олишда талабгорлардан олинадиган тест синовлари.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат тест маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда:

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларни жалб қилган ҳолда 2021/2022 ўқув йили қабулига қадар «transfer.edu.uz» платформаси негизида мазкур бандда кўрсатилган имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғида жонли эфирга узатишни таъминлайдиган, барча фойдаланувчилар учун очик бўлган «imtihon.uz» веб-платформасини ишга туширсин;

бир ой муддатда имтиҳонларни (тест синовларини) ўтказиш жараёнини Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш бўйича техник талабларни (ўрнатиладиган видеокамералар ва тасвири сифати, жойлашиш схемаси ва бошқалар) ишлаб чиқсин;

мазкур бандда кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилмайдиган масъулларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўриш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Хукуматга киритиб борсин.

4. Куйидагилар 2021 йил 1 июлдан бошлаб қайд этилган маълумотларни Порталга жойлашириш ва уларнинг ҳар чоракда янгиланишини таъминласин:

Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, назорат қилувчи органлар — давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат обьекти номи, тафтиш ёки текширувнинг мақсади ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотларни (тегишли назорат қилувчи органнинг раҳбарини хабардор этгандан сўнг);

Давлат активларини бошқариш агентлиги — устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) рўйхатини (давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона ҳудуди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат улуши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда), шунингдек, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиги давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхатини;

Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат солиқ қўмитаси — давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорак) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни;

Молия вазирлиги — давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташки қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат активларини бошқариш агентлиги — давлат муассасалари рўйхатини (ташкил топган санаси, юқори турувчи орган) ҳамда хусусийлаштирилган давлат мулки обьектлари тўғрисидаги маълумотларни (давлат сирини ташкил этувчи маҳфий вазифа юклатилган давлат корхоналари ва муассасалари бундан мустасно).

5. Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар Порталнинг давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот портали билан интеграция қилинишини таъминласин.

6. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 2021 йил 1 августга қадар доимий равишда янгилаб туриладиган Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасини Кўмитанинг расмий веб-сайтида ва Порталда ишга туширсин.

Бунда, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг [36-моддасида](#) кўрсатилган маълумотлар билан бир қаторда куйидаги маълумотлар мазкур ахборот базасида акс эттирилишини таъминласин:

овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги тузилган барча шартномалар, овчилик хўжалигини юритиш хуқуқи тугатилган ҳолатлар ҳамда ундирилган ҳақ микдорлари;

ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома берилган барча шахслар ва рухсатномадаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олишга доир берилган барча рухсатномалар ва улардаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг ўрмон-овчилик хўжаликлари томонидан берилган овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари.

7. Агентликнинг давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилаш мақсадида:

а) Агентлик зиммасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш ва доимий мониторинг қилиш, шу жумладан уларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган маълумотларни Интернет тармоғига жойлаштириш (эълон қилиш) бўйича мажбуриятлари ҳисобини юритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан оммавий ахборот воситалари орқали самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича чораларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигига оид долзарб масалаларни «Mening fikrim» веб-портали орқали умумхалқ муҳокамасига чиқариш;

Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини узлуксиз тўлдириш, такомиллаштириб бориш ва янгилаш бориш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга кўмаклашиш;

оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари ва ташкилотлари хизматчиларига «давлат органлари фаолияти очиқлиги, шаффоғлиги ва ҳисобдорлиги» маданиятини сингдириш ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлаш муҳимлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш;

б) Агентлик тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилсин;

в) Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган талабларни мунтазам равишда бузаётган айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин;

ҳар йили фаолият йўналиши бўйича эришган асосий ютуқлар ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида учраётган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тайёрласин ва ўз расмий веб-сайти орқали эълон қилиб борсин;

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги **Қонун** амалга оширилиши устидан назоратни, шунингдек, Жаҳон одил судлов лойиҳасининг «Ҳукуматнинг очиқлиги» индикатори бўйича Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

8. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ҳамда мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаларига мазкур органларда очиқликка оид қонунчилик хужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Давлат хавфсизлик хизмати Адлия вазирлиги, Агентлик ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қуидагиларни назарда тутувчи «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритилишини таъминласин:

чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхати, ундан фойдаланиш ва маълумотларни бундай ахборотлар жумласига киритиш ҳамда чиқариш асослари, муддатлари ва тартиби;

чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхатига кирмайдиган маълумотларни маҳфийлаштиришни тақиқлаш;

чеклаб қўйилиши фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборотларнинг давлат сирларига киритилишини ман этиш;

фуқаролар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматчилари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар билан ишда фойдаланишга ижозатни расмийлаштириш шартлари ва тартиблари;

ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва илфор тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда давлат сирларини сақлашнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича «Йўл харитаси» [2-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

11. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 октябрга қадар давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлаш бўйича фаолиятни тартибга солувчи, шу жумладан мониторинг ўtkазиш, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, очиқлик индексини ҳисоблашга қаратилган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикани ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 декабрдан бошлаб:

мазкур Фармоннинг [11-бандида](#) кўрсатилган методика асосида ҳар йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси аниқланади;

Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индексини аниқлаш бўйича чораларни кўради, натижаларни ўз расмий веб-сайтлари ва оммавий ахборот воситалари орқали оммага етказилишини таъминлади.

13. Олий Мажлис палаталарига ўз расмий веб-сайтларида қуидаги маълумотларни жойлаштириш тавсия этилсин:

парламент назорати обьектларининг ҳисоботларини эшлиши натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар;

Қонунчилик палатасида депутатнинг ҳар бир қонун (қарор) лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этишдаги, сенаторнинг ҳар бир қонунни (қарорни) маъқуллаш ёки рад этишдаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари, сайлов округлари ҳамда уларнинг электрон почта манзиллари ҳақидаги маълумотлар.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Агентлик:

а) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргалиқда оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритишга оид мақолалар ва телекўрсатувларни ташкил этсин;

б) манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргалиқда 2021 йил 1 декабрдан бошлаб қуидаги тадбирлар телеканаллар, шунингдек, Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилишини таъминласин:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари (ёпиқ мажлислар бундан мустасно);

тарафларнинг розилиги билан фуқаролар хуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамоат тартибига тажовуз қилувчи, аҳоли соғлигини сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги, шу жумладан давлат хизматчиларининг касбий фаолияти билан боғлиқ хуқуқбузарликларга оид ишлар, шунингдек, айрим оиласиий низоларга оид фуқаролик ишлари бўйича суд мажлислари (ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно).

15. Мазкур Фармонда кўрсатилган қоида ва тартибларнинг бузилиши давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик бузилиши сифатида баҳолансин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Агентлик, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда:

2022 йил 1 январга қадар «Давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси концепциясини;

2022 йил 1 апрелга қадар ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқсан ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

17. Агентлик Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 июнь,  
ПФ-6247-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон **Фармонига**

1-ИЛОВА

**Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар**

**РЎЙХАТИ**

*Олдинги таҳтирга қаранг.*

<b>Т/р</b>	<b>Ахборотнинг тури, тоифалар номланиши (параметрлар)</b>	<b>Маълумот жойлаштирилган ресурс</b>	<b>Тақдим этиш ва янгилаш муддати</b>	<b>Жойлаштириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлари</b>
1.	Давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолиятига оид ҳисоботи (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Расмий веб-сайтлар	Хар йили 1 марта қадар	Давлат органлари ва ташкилотлари
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солик ва божхона имтиёzlари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёzlар берилган субъектлар, уларнинг якуний бенефициар (фойда олувчи) жисмоний шахслари, уларнинг тўлаган соликлари ва молиявий кўrsatкичлари тўғрисидаги ахборотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги
3.	Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат органлари ва ташкилотлари
4.	Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг максади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат органлари ва ташкилотлари
5.	Давлат бюджети, давлат максадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган	Расмий веб-сайтлар	доимий равища	Давлат органлари ва ташкилотлари

	товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин).			
6.	<p>Давлат харидлари ва инвестиция лойихалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:</p> <p>харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор;</p> <p>харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими).</p>	Расмий веб-сайтлар	доимий равишда	Давлат органлари ва ташкилотлари
7.	Давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда тегишлича ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув (назорат обьекти номи, назорат тадбирининг мақсади ва муддатлари, уни ўтказган давлат хизматчисининг лавозими, фамилияси, исми) тўғрисидаги маълумотлар (тегишли назорат қилувчи органнинг раҳбарини хабардор этгандан сўнг).	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чоракда	Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, назорат қилувчи органлар
8.	Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) рўйхати (давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини амалга ошираётган ташкилот, корхона ҳудуди, солиқ тўловчининг идентификация рақами, давлат улуши тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда), шунингдек, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чоракда	Давлат активларини бошқариш агентлиги

	иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхати.			
9.	Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чоракда	Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги енгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошقا кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Кадастр агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11.	Давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорак) якуни бўйича тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чоракда	Давлат солиқ қўмитаси
12.	Давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чоракда	Молия вазирлиги
13.	Давлат муассасалари рўйхати (ташкил топган санаси, юқори турувчи орган) ҳамда хусусийлаштирилган давлат	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чоракда	Давлат активларини бошқариш агентлиги

	мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар (давлат сирини ташкил этувчи махфий вазифа юқлатилган давлат корхоналари ва муассасалари бундан мустасно).			
14.	Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир каторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, Расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Давлат органлари ва ташкилотлари
15.	Давлат органлари ва ташкилотлари тасарруфидаги хизмат автомототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган объектлар тўғрисидаги маълумотлар (тезкор-қидирав, ҳарбий ва бошқа маҳсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно).	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Давлат органлари ва ташкилотлари
16.	Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиласидиган органларнинг худудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги хужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими) тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар, шу жумладан «licence.gov.uz» сайти	ҳар чорақда	Давлат органлари ва ташкилотлари
17.	Қуйидаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар эгаларининг исми ва фамилиялари:  хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш;  истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш;	Расмий веб-сайтлар, шу жумладан «licence.gov.uz» сайти	ҳар чорақда	Давлат органлари ва ташкилотлари

	<p>банк фаолиятини амалга ошириш;</p> <p>маҳаллий ва халқаро йүналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш;</p> <p>фармацевтика фаолияти;</p> <p>кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти;</p> <p>нефть, газни (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газини) ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш фаолияти;</p> <p>магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш фаолияти;</p> <p>импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш;</p> <p>давлат ўрмон фондига кирмайдиган захира ерларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиши.</p>			
18.	Тегишлича ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуки учун лицензиялар эгалари, тақдим этилган участка (майдонлар, фойдали қазилмалар) тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
19.	Дарёлар ўзанларида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишларига Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси (хўжалик жамияти) томонидан белгиланган тартибда шартнома	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чорақда	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

	асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар түғрисидаги маълумотлар.			
20.	Ўзбекистон Республикаси ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун берилган барча руҳсатномалар эгалари түғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайт	ҳар чоракда	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
21.	Ўзбекистон Республикаси давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектлари худудида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун берилган руҳсатнома эгалари түғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Туризм ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги
22.	Давлат олий таълим муассасаларининг даромадлари, харажатлари түғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таркибида олий таълим муассасалари бўлган давлат органлари
23.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига мулк ёки ижара ҳуқукини электрон аукцион («E-IJRO AUCTION») орқали сотиб олган шахслар түғрисида маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги
24.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара ҳуқукини бериш бўйича очик танлов ғолиблари бўлган шахслар түғрисида маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларли
25.	Маҳаллий бюджетларнинг ҳар чорак якунида шакллантириладиган даромадлар ва харажатлар сметаси, режадан орттириб бажарилган қисми ва мазкур маблағлар йўналтирилган мақсадлар түғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чорак якунида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларли, туман ва шаҳар ҳокимларли

26.	<p>Қуидагилар тұғрисидаги маълумотлар:</p> <p>максус автоматлаштирилған фото ва видео қайд этиш дастурый-техник воситалари ўрнатылған аниқ манзиллар;</p> <p>индивидуал тартибда ҳар бир дастурый-техник воситаси қайд этадиган йўл ҳаракати қоидалари бузилиши тури.</p>	Расмий веб-сайтлар	ҳар ойда	Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
27.	<p>Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олаётган шахслар (14 ёшгача болалари бўлган оиласларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунига кадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъминланган оиласларга моддий ёрдам ҳамда ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсацияни олаётганлар)</p> <p>ҳақида ҳамда ишсизлик нафақасини олаётган шахслар (фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси)</p> <p>тўғрисидаги вилоят, туман, шаҳарлар кесимидағи маълумотлар.</p>	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
28.	<p>Үй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларнинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш ҳақида берган аризалари рўйхати (навбати) тўғрисидаги маълумотлар.</p>	Расмий веб-сайтлар	доимий равища онлайн режимда	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, туман ва шаҳар ҳокимлеклари
29.	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:</p> <p>жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари</p>	Расмий веб-сайтлар	ҳар чорақда	Давлат органлари ва ташкилотлари

	(телефон, почта ва электрон манзиллари);  жамоатчилик кенгашининг ийғилишлари ва кун тартибидаги масалалар.			
30.	Давлат органлари ва ташкилотларининг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Расмий веб-сайтлар	ҳар ярим йилликда (ҳар йили)	Давлат органлари ва ташкилотлари
31.	Давлат органларига доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни давлат-хусусий шериклик асосида олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат органлари ва ташкилотлари
32.	Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг ташқи ёки ишончли бошқарувга берилган давлат улуси мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, ишончли бошқарувчи томонидан жалб килинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	ҳар чоракда	Давлат органлари ва ташкилотлари
33.	Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базасида қуидагилар ҳақидаги маълумотларни акс эттириш:  овчилик хўжаликлари;  ов қилиш тақиқланган жойлар;  ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ажратилган квота;  овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига заар етказувчи деб эътироф этилган ёввойи ҳайвонлар;  муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги;	Очиқ маълумотлар портали, расмий веб-сайтлар	2021 йил 1 августдан бошлаб доимий равиша	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

	<p>ёввойи ҳайвонларнинг айрим турларига нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги;</p> <p>муайян жинсдаги ва ёшдаги ёввойи ҳайвонларга нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги;</p> <p>овчилик хўжалигини юритиш учун ов қилиш жойларини бериш тўғрисидаги тузилган барча шартномалар, овчилик хўжалигини юритиш хуқуқи тугатилган ҳолатлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;</p> <p>ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома берилган барча шахслар ва рухсатномадаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонларни табиий мухитдан ажратиб олишга доир берилган барча рухсатномалар ва улардаги маълумотлар ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари;</p> <p>Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг ўрмон-овчилик хўжаликлари томонидан берилган овчилик йўлланмалари (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаси) ҳамда ундирилган ҳақ миқдорлари.</p>			
34.	Ўзларининг таркибига кирувчи давлат муассасаларининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар.	Расмий веб-сайтлар	Ҳар чорақда	Давлат органлари ва ташкилотлари
35.	Давлат бюджети, шунингдек, ҳалқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник кўрсаткичлари ва	Расмий веб-сайтлар	ҳар ярим йилликда	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги,

<p>бошқа лойиха ҳужжатлари түгрисидаги маълумотлар.</p>		<p>масъул вазирлик ва идоралар (бойиха ташаббускорлари)</p>
---	--	---

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июнданги ПФ-154-сонли *Фармони таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси*, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июнданги ПФ-6247-сон *Фармонига*

## 2-ИЛОВА

### Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича

#### «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
1.	<p>Халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда, шу жумладан қуидагиларни назарда тутувчи «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги түгрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши:</p> <p>«шаффоффлик, очиқлик ва хисобдорлик» тамоили остида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффоффлиги ва очиқлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаш;</p> <p>жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувида иштирок этиш хуқуқини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъминлаш;</p> <p>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари маълумотлари очиқлиги презумпциясини жорий этиш, унга мувофиқ, қонунчилик ҳужжатлари билан чекланмаган ҳар қандай маълумотни очиқ маълумот хисоблаш;</p>	<p>Қонун концепцияси</p> <p>Қонун лойиҳаси</p>	<p>2022 йил 1 январь</p> <p>2022 йил 1 апрель</p>	<p>Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

	<p>фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат ташкилотлари исталган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ўз хуқуқ ва манфаатларига оид маълумот ёки хужжатларни (давлат сирларидан ташқари) сўраб олишлари мумкинлиги, ушбу органлар эса бундай мурожаатни кўриб чиқишига мажбурлигини назарда тутиш;</p> <p>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари ёки ахборот хизматлари раҳбарлари (матбуот котиблари) тегишлича жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар, медиа саёҳатлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда шахсан ахборот тақдим этиб боришини назарда тутиш;</p> <p>маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларининг фаолиятига оид маълумотларни аҳолига етказиш, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жараёнига фуқароларни жалб этиш учун чоралар кўриш ва кўмаклашиш.</p>			
2.	Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги <a href="#">кодексда</a> давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши.	Қонун лойиҳаси	2021 йил август	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи янги таҳрирдаги «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги	Қонун лойиҳаси	2021 йил август	Давлат хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар

	<p>янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхати, ундан фойдаланиш ҳамда маълумотларни бундай ахборотлар жумласига киритиш ҳамда чиқариш асослари, муддатлари ва тартибини белгилаш;</p> <p>чеклаб қўйилган ахборотлар рўйхатига кирмайдиган маълумотларни маҳфийлаштиришни тақиқлаш;</p> <p>чеклаб қўйилиши фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига таҳдид соладиган ахборотларнинг давлат сирларига киритилишини ман этиш;</p> <p>фуқаролар, давлат органлари ва ташкилотларнинг давлат хизматчилари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар билан ишда фойдаланишга ижозатни расмийлаштириш шартлари ва тартибларини белгилаш;</p> <p>ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда давлат сирларини сақлашнинг замонавий механизmlарини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.</p>		<p>вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Адлия вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Стратегик ва минтақаларро тадқиқотлар институти, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	
4.	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий <a href="#">тадабларга</a> қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг қарори ложиҳаси</p>	<p>2021 йил сентябрь</p>	<p>Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Молия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички</p>

	<p>а) йил давомида ўтказиладиган ҳисобот (хайъат) йиғилишларининг видеоёзувлари ва улар якуни бўйича қабул қилинган қарорлар;</p> <p>б) очик маълумотлар шаклида бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг тушумлари ва харажатлари, шунингдек, амалга оширилган давлат харидлари бўйича маълумотлар;</p> <p>в) расмий веб-сайтда жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотларни янгила бориш даврийлиги муддатини ахборотларнинг динамик (ўзгарувчан) ва статистик турларига қараб таснифлаган ҳолда амалга ошириш;</p> <p>г) веб-сайтда коррупцияга қарши курашиш фаолияти бўйича алоҳида саҳифа ташкил қилган ҳолда, унга қўйидаги йўналишлар бўйича маълумотларни киритиб бориш:</p> <p>коррупцияга қарши курашиш сиёсати, шу жумладан ушбу йўналишда соҳага доир қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар, одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда норматив-хуқуқий хужжатларнинг ижро ҳолати;</p> <p>соҳада коррупцияга қарши курашиш мақсадида ишлаб чиқилган дастур, чора-тадбирлар режаси ва бошқа хужжатлар;</p> <p>ички идоравий хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертиза натижалари;</p> <p>коррупциявий хукуқбузарлик ва жиноятлар ҳақидаги статистик маълумотлар (суд қарори асосида), шу жумладан кўрилган</p>		<p>ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
--	---	--	--

	<p>чоралар юзасидан маълумот ва хисоботлар;</p> <p>жисмоний ва юридик шахс вакиллари томонидан коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот бериш имкониятини берувчи алоқа каналлари тўғрисида маълумот;</p> <p>ўтказилган таҳлиллар ва жамоатчилик сўровлари, шу жумладан онлайн сўровнома ва унинг натижалари;</p> <p>коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида тайёрланган тарғибот материаллари (слайд, ролик, маъруза матнлари, мақола, буклет, рисола ва бошқалар);</p> <p>кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилиши режалаштирилган семинар, тренинг, давра сухбати, муҳокама, пресс-конференция ва бошқа тадбирлар;</p> <p>жорий этилган ички назорат (комплаенс назорат) тизими бўлинмаси томонидан амалга оширилган ишлар ва татбиқ этилган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар тўғрисидаги маълумотлар.</p>		
5.	<p>Кўйидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни долзарблик ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан қамраб олингандиги нуқтаи назаридан танқидий ўрганиш ва заруратга кўра тегишли қарор лойиҳасини белгиланган тартибда киритиш:</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартағи 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ахборот</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК</p>

	<p>ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги <b>низом</b>;</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 394-сон «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-куватлаш ижтимоий сиёсий жамғармаси тўғрисида»ги <b>қарори</b>.</p>			
6.	<p>Барча давлат органлари ва ташкилотларига татбиқ этиладиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида очиқлик бўйича мониторинг ўтказиш, очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, очиқлик индексини ҳисоблашга қаратилган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикани ишлаб чиқиш.</p>	Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси	2021 йил 1 октябрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратура, Олий суд, манфаатдор вазирлик ва идоралар
7.	<p>Куйидагиларни назарда тутувчи Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш:</p> <p>Жамғарманинг асосий вазифалари;</p> <p>Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағларидан ажратиладиган ажратмаларнинг аниқ микдорларини белгилаш;</p> <p>жамғарма маблағларини сарфлашнинг аниқ ва шаффофтартиби ва механизмлари;</p>	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси	2021 йил август	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги

	<p>жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисобот бериш;</p> <p>маблағларни тақсимлашда ошкоралик ва холисликни тъминлаш;</p> <p>Агентлик директорига Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентликнинг кўшимча ходимлар штат бирликларини киритиш ҳуқуки.</p>			
8.	Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш бўйича давлат хизматчилари учун қўлланмани ишлаб чиқиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан юритилиши тавсия этиладиган ижтимоий тармоқлар рўйхатини («Твиттер» ёки бошқалар) шакллантириш.	Қўлланма	2021 йил сентябрь	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати
9.	Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Методика	2021 йил сентябрь	Адлия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
10.	«Очиқ Ҳукумат ҳамкорлиги» (Open Government Partnership, OGP) халқаро ташкилотига Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиш шартлари ва оқибатлари таҳлили, шунингдек, мавжуд салоҳият, хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Таклифлар	2021 йил сентябрь	Коррупцияга қарши курашиб агентлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Қўйидагиларни амалга ошириш:	Комплекс чора-тадбирлар режаси	2021 йил август	Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

	<p>илғор халқаро стандартларга мувоғиқ Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлардан олинган ташқи қарзлар түғрисидаги ахборотнинг ҳажми ва аниқ рўйхатини белгилаш, уни деталлаштирилган ҳолда жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш;</p> <p>бюджет шаффоғлиги бўйича халқаро рейтингда етакчи ўринларни эгаллаб турган илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини доимий таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Бюджет очиқлиги индексида эгаллаган поғонасини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаб бориш;</p> <p>Open Knowledge Foundation ва бошқа шу каби халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари билан биргаликда Давлат бюджети маблағлари айланмаси очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлашга қаратилган Open Spending (Where Does My Money Go, Citizen Budget ва бошқалар) лойиҳаларини, уларнинг амалий аҳамиятини ҳисобга олиб амалга ошириш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;</p> <p>фуқаролар ва жамоат бирлашмаларини бюджет шаклланиши ва тасаррӯf этилиши жараёнига, шу жумладан дастлабки бюджет лойиҳаси ва аудиторлик ҳисбот мухокамаларига реал жалб этиш механизmlарини назарда тутувчи амалий чора-тадбирларни қабул қилиш.</p>		<p>қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Стратегик ва минтақаларро тадқиқотлар институти, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	
12.	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролик жамияти институтлари	Комплекс чора-тадбирлар режаси	2021 йил сентябрь	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Маҳалла ва оиласи қўллаб-

	<p>билин самарали ҳамкорлигини кучайтириш, шу жумладан:</p> <p>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар вакиллари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ахборот олиш борасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида хабардорлигини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш;</p> <p>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва тадбиркорлик субъектларининг иштирокини, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, таъминлаш имкониятини яратиш, доимий ахборот ва мулоқот тизимини йўлга қўйиш;</p> <p>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда бажариладиган ишларнинг ҳолатини танқидий баҳо бериш имкониятини яратиш, бунда давлат органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини самарали равиша йўлга қўйиш, шу жумладан кенгашнинг таркибини шакллантиришда аксарият аъзоларини тажрибага эга бўлган маҳаллий ва чет эллик эксперталар, олимлар ва бошқа алоқадор ташкилотлар вакилларидан ташкил топишини таъминлаш.</p>			қувватлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро тадқикотлар институти, «Юксалиш» умуммиллий харакати, «Мадад» ННТ, манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари
13.	«Ҳукуматнинг очиқлиги» омили (Open Government Factor, WJP Rule of Law Index) бўйича мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадида қўйидаги йўналишларда комплекс таҳлил ўтказиш ва натижаси бўйича	Ташкилий чора-тадбирлар дастури	2021 йил сентябрь	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Стратегик ва минтақалараро

<p>ташкилий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши;</p> <p>қонун ҳужжатлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон килиш ҳолати;</p> <p>жисмоний шахслар ва юридик шахс вакилларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш хуқуки билан таъминланганлик ҳолати;</p> <p>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштироки;</p> <p>давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан очиқлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлик юзасидан шикоят қилиш механизмлари жорий этилганлиги ва қўлланилиши ҳолати.</p>		<p>тадқиқотлар институти, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
--	--	--

Изоҳ: Норматив-хукукий ҳужжатлар заруратга қараб, тегишли хукукий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига кўра, ягона ҳужжатга бирлаштирилиши ёки қайта кўриб чиқилиши мумкин.

*(Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.06.2021 й., 06/21/6247/0563-сон, 09.04.2022 й., 06/22/101/0288-сон, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон)*